

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5111000– 2.05
2018 йил “03” 03



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2018 йил “27” 03

ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ
ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	- Гуманитар соҳа
	300 000	- Ишлаб чиқариш – техник соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	- Педагогика
	320 000	- Ишлаб чиқариш технологиялари
Таълим йўналиши:	5111000	-Касб таълими (5320900 – Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари))
	5320900	-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари))
	5111000	-Касб таълими (5320900 – Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тўқимачилик саноати))
	5111000	-Касб таълими (5321600 – Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари)
	5321600	-Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “27” 03 даги “274”-сонли буйруғининг 2 - иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунартаълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2018 йил “03” 03 даги 7 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Н.Акбарова	-ТТЕСИ, “Чизма геометрия ва ахборот технологиялари” кафедрасикатта ўқитувчиси
М.Шомансурова	ТТЕСИ, «Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси» кафедраси, ассистент

Такризчилар:

А.Неъматов	- ТТЕСИ, “Чизма геометрия ва ахборот технологиялари” кафедраси доценти, ф.-м.ф.н
Ж.Аслонов	–ЎзМУ доценти, ф.-м.ф.н

Фан дастури Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “22” 02 даги 8 - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Бугунги кунда барча йўналишларнинг замонавийлиги уларнинг компьютерлаштирилганлик даражаси билан ўлчанмоқда. Шу боис замонавий ахборот технологияларининг жамиятимиз ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига жадал суръатлар билан кириб келганлиги замонамизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлса, фанни ўзлаштириш – давр талабидир.

Тикувчилик ишлаб чиқаришда замонавий инфор­мацион технологиялар фанининг ўқитилиши ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, барча ёш мутахассислар учун ўринли ҳисобланади. Шу билан бирга жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги замон талабларини бажариш учун ҳар бир мутахассис компьютердан фойдалана олиш малака­сига эга бўлиши керак. Бу ўринда фаннинг ўқитилиши мо­хияти билан мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши билан кўп турдаги ишлаб чиқариш соҳалари автоматлаштирилмоқда, шу боис фанни ўзлаштириш да­вомида талабалар автоматлаштирилган тизимлар кўникмасига эга бўлади ва олган билимларини ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида қўллашлари мумкин.

“Тикувчилик ишлаб чиқаришда замонавий инфор­мацион технологиялар” фани умум­касбий фанлар бло­кига киритилган курс ҳисобланиб, 2-курснинг 2 семестрида ўқитилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад ахборотни шакллантириш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг асосий принципларини ўрганиш. Замонавий инфор­мацион фикрлаш ва илмий дунёқарашни шакллантириш. Турли техник билимларга оид масалаларни компьютер ёрдамида ҳал этиш усулларини ўрганишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – инфор­мацион технологияларнинг асосий тамойиллари, вазифалари ва аппарат, янги дастурий таъминотлар, Web технологиялари, компьютер графикаси имкониятлари ҳақида тушунча бериш ва ўргатиш режалаштирилган. Бўлажак мутахассисларда замонавий компьютер графикаси ёрдамида тасвирларни қайта ишлаш ва инфор­мацион моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш каби масалаларни ўргатишдир.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига куйидаги талаблар қўйилади. Талаба:

-компьютер техник таъминоти ва уларнинг ишлаш принциплари, компьютер тизимли ва амалий дастурий таъминоти, ахборот технологиялари асослари, компьютер графикаси *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- амалий масалаларни Excel электрон жа­двал процессорида ечишни билиши, HTML тили ва унда Web саҳифа ярата олишни, маълумотларни қайта ишлашни *билиши ва улардан фойдалана олишни*;

-замонавий ахборот технологиялари тизимларида ишлаш билиши, Интернет ва замонавий телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш, Web технологиялар ва Web саҳифалар яратиш, компьютер графикаси дастурларида ишлаш олиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-Модул. Информацион технологиялари. Маълумотларни қайта ишлаш. Web технологиялари ва компьютер графикаси

1-мавзу. Тикувчилик ишлаб чиқаришда замонавий информацион технологияларнинг ўрни

Тикувчилик ишлаб чиқаришда замонавий информацион технологияларни ривожлантириш йуллари. Маълумотларни бошқариш ва уларга ишлов бериш технологиялари. Маълумотларни сақлаш, ўзгартириш, узатиш ва қабул қилиш.

2-мавзу. Электрон ҳужжатлар билан ишлаш

MS Excel электрон жадвал процессори. Excel-2010 дастури интерфейси. Excel-2010 дастури таркибига кирувчи стандарт функциялар ва улар билан ишлаш технологияси. Excel-2010 да маълумотларни умумлаштириш, саралаш, қидириш ва уларни график кўринишда тасвирлаш. Стандарт диаграмма типлари. Диаграмма қуриш кетма-кетлиги.

3-мавзу. Мультимедиа технологиялари

Мультимедиа тизимларининг таркиби, тузилиши, техник ва дастурий воситалари, қўлланиш соҳалари. Gif-аниматор, Ispring дастурларининг имкониятлари.

4-мавзу. Компьютер тармоқлари

Локал ва минтақавий тармоқлар. Интернет. Web-саҳифа, web-сайт ва манзил тушунчалари. Протоколлар. Қидирув тизимлари. Ziyonet таълим тармоғи. Интернетда мулоқот. Электрон почта.Тармоқ технологиялари. Тармоқларни ташкил этиш. Компьютер тармоқларида маълумотлар билан ишлаш технологиялари. Тармоқда маълумотлар базасини ташкил этиш ва улар билан ишлашнинг асосий технологиялари.

5-мавзу. Web-технологиялар

Web технологиялари. Html тили ва унда Web саҳифалар яратиш. Html тили ёрдамида матни форматлаш, жадваллар, формалар яратиш. Графика ва мультимедиа.

6-мавзу. Математик тизимлар

MathCad пакети ва интерфейси. MathCad дастури ёрдамида муҳандислик ҳисоблашларни бажариш. MathCad дастурининг имкониятларидан фойдаланиш. MathCad дастури ёрдамида графика қуриш.

7-мавзу. Компьютер графикаси

Компьютер графикасининг қўлланиши ва турлари. Растрли графика ва векторли графика. Растрли графикада ишлашнинг дастур воситалари. Adobe Photoshop дастурида ишлаш. Расмларни тахрирлаш. Матн ва график шаклларни яратиш. Анимацион эффектлар яратиш. Adobe Photoshop дастурида қатламлар ва маскалар билан ишлаш.

8-мавзу. Corel DRAW дастури

Векторли графика. Corel DRAW дастур интерфейси. Corel DRAW дастурида график ҳужжатлар яратиш. Corel DRAW дастурида объектлар билан ишлаш, тасвирларни тахрир қилиш. Corel DRAW дастурида моделлар каталогини тузиш.

9-мавзу. 3D технологиялари

Контекстда визуал эффектлар ва технологиялар. Креатив ривожланиш ва рақамли жараёнлар. Объектлар ва уларнинг тузилиши. Моделлаштириш технологияси

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Амалий масалаларни ечишда Excel-2010 электрон жадвал процессорининг стандарт функцияларидан фойдаланиш.

2. Жадвал кўринишидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва улар асосида қарор қабул қилиш, график имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳисоботлар тайёрлаш.

3. Мультимедиали амалий пакетлар ва дастурлар.

4. Миллий давлат сайтлари ва интерактив хизматлардан фойдаланиш.

5. HTML тили ёрдамида Web саҳифалар яратиш.

6. MathCad дастури ёрдамида амалий масалаларни ечиш.

7. Компьютер графикаси. Adobe Photoshop дастурида график тасвир яратиш. Берилган мавзу бўйича фотоколлаж яратиш.

8. Corel DRAW график редакторида эскиз яратиш техникаси. Кийим конструктив элементларини қуриш. Кийим декоратив элементларини тузиш. Материал фактураси ва орнаментал композициялар яратиш.

9. 3D технологиялари асосида уч ўлчовли объектларни моделлаштириш, рендер жараёни, 3D Studio Max дастури имкониятларидан фойдаланиш.

Амалий машғулотлар аудиторияда бир академ.гурухга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Лаборатория машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Excel-2010 электрон жадвалида функциялардан фойдаланиб амалий масалаларни ечиш, Excel-2010 электрон жадвалининг график имкрниятлари
2. Мультимедиа дастурларидан фойдаланиш
3. Интернет. Маълумотларни излаш
4. HTML тилида web саҳифа яратиш
5. MathCad дастури ёрдамида амалий масалаларни ечиш
6. Adobe Photoshop дастури ёрдамида расмларни таҳрирлаш, фотоколлаж яратиш
7. Corel DRAW график редакторида моделлар электрон каталогини тузиш. Моделлар техник каторини яратиш. Моделлар эскиз каторини яратиш.
8. 3D технологиялари асосида уч ўлчовли объектларни моделлаштириш

Лаборатория машғулоти маъруза ва амалий машғулотларда ўтилган мавзуларни акс эттирувчи асосий таркиб бўйича индивидуал топшириқлар бўйича амалга оширилади. Матн, жадвал ва график муҳаррирларида ишлаш, вариант топшириқлари талабаларга берилди. Талабалар кафедрада лаборатория машғулоти учун ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалар асосида топшириқларни бажаради.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Excelда мураккаб йиғинди ва кўпайтмаларни ҳисоблаш.
2. Excelда ҳисоблашларда функцияларидан фойдаланиш.
3. Excelда бирва икки ўлчовли функция жадвал қийматларини ва графикларини куриш.
4. Excelда жадвал маълумотлари диаграммаларини куриш.
5. Excelда тенгламалартизимларини ечиш.
6. Excelда аниқ интегралларни ҳисоблаш.
7. Маълумотларни серверлардан излаш.
8. Интернетда электрон почта билан иш юритиш.
9. Ziyonet миллий таълим портал маълумотларидан фойдаланиш.
10. Мультимедиа тизими таркибига кирувчи дастурий воситалар.
11. Power Point дастурида тақдимот яратиш.
12. Adobe Photoshop дастурида ҳар хил эффектларни яратиш.
13. Corel DRAW дастурида объектлар билан ишлаш
14. Web саҳифа яратиш.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот этиш тавсия этилади

Фан бўйича курс иши ўқув режада кўзда тутилмаган

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Elisabeth Robson & Eric Freeman A Brain-Friendly Guide “Head First HTML and CSS” Copyright © 2012 Elisabeth Robson and Eric Freeman.

All rights reserved. Printed in Canada. Published by O'Reilly Media, Inc., 1005 Gravenstein Highway North, Sebastopol, CA 95472. ISBN: 978-0-596-15990-0

2 Katherine Murray. "First Look Microsoft Office 2010" Published by Microsoft Press A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond, Washington 98052-6399 Copyright © 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759

3 Атамирзаев М., Усманов Х., Олимов А. Решение прикладных задач средствами MS EXCEL. Методические пособие. ТИТЛП. Т: 2006.

4 Ф.У.Нигматова, М.Ш.Шомансурова. Тикув буюмларини лойиҳалашнинг автоматлаштирилган системаси. ОўЮ талабалари ва магистрантлар учун дарслик.-Т.: Extremum-press, 2017.- 266 б

Кўшимча адабиётлар

5 Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга кураимиз. Тошкент, "Ўзбекистон", 2017 йил, 488 бет.

6 Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, "Ўзбекистон", 2016 йил 56 бет.

7 Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, "Ўзбекистон", 2017 йил, 48 бет.

8 Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент, "Ўзбекистон", 2017 йил, 104 бет.

9 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

10 Гурский Ю.А. Гурская И.В. Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство «Питер», 2007

11 М.Н.Артамошина «Информационные технологии в швейном производстве» М.: Издательский центр «Академия», 2010.-176 с.

Интернет сайтлари

12 <http://titli.uz>

13 <https://tuit.uz>

14 <http://moodle.titli.uz:8080>

15 www.intuit.ru

16 www.ZiyoNet.uz

17 Виртуальный университет Евразии - <http://virtuai-university-eurasia.org/>

18 www.linux.org.ru

19 www.it-ebooks.info

20 Ю.Обучение Интернет - профессиям. Searchengine Expert. http://searchengine.narod.ru/archiv/se_2_250S00.htm